



Чарчоқларимиз унутилади

Осойишталик посбонлари зиммасига қандай вазифа юклатилганлиги ҳаммага маълум. Бу юмушни қай даражада удалай олаётганимизга ҳам халқ баҳо беради. Тўғри, биз ҳозирча «аъло» баҳо ололганимизча йўқ. Аммо кўп ҳолларда фуқаролар хизматимиздан қониқиб ҳосил қилимоқдалар. Улар миннатдорчилик билдирганларида бошимиз кўкка етади, чарчоқларимиз унутилади.

Яқинда бир отахондан хат олдим. Милиция ходимларидан мамнун бўлган Ҳошимжон Мўминов дил изҳорини шундай баён этади.

«...Яхшиямки бахтимизга халқ посбонлари бор экан. Йўқса билмадим бу казобу ўғрилар, безори ва қотиллар бошимизга не кунларни солишарди. Мен бунга ёзишимга асос бор, албатта. Воқеа бундай бўлган. Бемор қизим касалхонага ётқизилганда, унинг эмизикли боласи менда қолган. Набирамни эса ҳар кун унинг олдига олиб борардим. Уша кунни ҳам шифохонага келгандим. Бир маҳал ташқарига чиқсам, машинам жойида йўқ. Атрофдагилардан ким олиб кетганини суриштирдим. Ҳеч ким кўрмабди. Нима қилишни билмай кўлимда бола билан у ёқдан бу ёққа зир югураман. Охири бир йўловчи машинани тўхтатдим. Барака топгур аҳволимни тушунди. Мени дарҳол ўз машинасига ўтқазиб, Наманган шаҳар ички ишлар бўлимига келтириб қўйди. Бу инсофли йигит ҳаттоки менга ёрдам сифатида озгина пул ҳам бермоқчи бўлди. Қаранг орамизда қандай мард ва раҳмдил одамлар бор-а.

Хуллас навбатчи милиция майори Эркинжон Ҳабибуллаев деган кишига бўлган воқеани тушунтириб бердим. У мени диққат билан тинглаб, дарҳол рация орқали бу ҳақда барча постларга хабар қилди. Сўнгра эса телефонда яна кимлар биландир гаплашди. Кейин у менга қидирув ишлари бошланганлигини айтиб: «Сиз машинангиз ўғирланган жойга қайтиб бо-

ринг, оператив вакиллар ўша ерга жўнашди», — деди.

...Мен катта оператив вакил Қодиржон Раҳматов билан ярим кечагача бирга бўлдим. У рация орқали мунтазам керакли жойлар билан алоқага чиқар ва яна қандайдир журналларни варақлаб, нималарнидир ёзарди. Бир маҳал у менга уйга бориб дам олишни ва эрталаб учрашшни айтди. Мен кетдим. Уйга келгач, овқатланиб бир оз ухладим ҳам. Очиги машинамдан эса умидимни узгандим. Эртаси куни яна милиция идорасига бордим. Бу пайтда Қ. Раҳматов икки йигитни сўроқ қилаётган эди.

— Шулардан шубҳалана-япман, — деди у чарчоқ босган кўзларини менга тикиб.

Капитаннинг гумондорларга бераётган саволлари ва фаразлари менда негадир ишонсизлик уйғотарди.

Ахйри йигитлардан бири:


— Кечиринг, ёшлик қилиб қўйибмиз, ҳақиқатдан ҳам машинани биз олиб қочганимиз, — деди.

Мен сўнгганимдан ўзимни қўйрага жой тополмай қолдим. Ҳаш-паш дегунча кунимга яраб турган машинамни олиб ҳам келишди. Сизларга раҳмат».

Мен ушбу жиноятни очишда иштирок этган ходимлар билан суҳбатлашш мақсадида ички ишлар бўлимига келдим. Бироқ уларни учрата олмадим. Сабаби Тепақўрғон қишлоғида жиноят содир этилиб, бир бегунох киши нобуд бўлибди. Улар воқеа содир бўлган жойга кетишган экан...

Ҳа, ҳаёт жуда мураккаб, гўёки тубсиз денгиз. Афсусланиб жойини шундаки, бу денгизда зараркундалару йиртқичлар ҳам яшайди. Бироқ яна шундай кучлар борки, мисоли бир тўлқин. Улар таъсирида ўша кушандалар хас-чўплар сингари қирғоққа чиқиб қолаверади.

Неъматжон МАМАЖОНОВ,
Наманган вилояти ИИБ матбуот марказининг катта йўриқчиси милиция майори.



Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчилик билан кураш, турли-туман ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қатор тадбирларни амалга оширишмоқда.

СУРАТЛАРДА: ИИБ бўлими катта инспектори милиция катта лейтенанти Аб-

дулла Исаев фуқаро Юрий Нестеренконинг ов милтиғи ҳужжатларини кўздан кечирмоқда; мана бу пул ва наркотик моддалар эса жиноятчилар ёнидан топилган.

Ҳабибулла ШОДИЕВ ва **Александр КОШКИН** олган суратлар.

УЧАСТКАЛАР ТУЗИЛДИ

Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, ички ишлар идораларининг ишини янада такомиллаштириш мақсадида ЎзССЖ ИИБ кўрсатмасига мувофиқ Фарғона шаҳрида бешта милиция участкаси тузилди. Етук ва тажрибали милиция зобитлари участка бошлиқлари этиб тайинланди. Улардай бири ИИБ ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўлимида бошлиғи шаҳар Кенгаши ноиб Баҳодир Адҳамовдир. У шаҳарда паспорт режимини текшириш ишига барча участка инспекторларини жалб қилди. Натижада қисқа вақт ичида 100 га яқин яшаш жойи қайд этилмаган шахслар аниқланди. Қонунбузарларнинг иши шаҳар ижроқўмининг доимий маъмурий комиссияси мажлисида кўрилиб, 60 нафарига жарима солинди.

Милиция капитани Б. Адҳамов ноиб сифатида шаҳарнинг бир қатор маҳаллаларида бўлиб, воқеа етмаган ўсмирлар орасида жиноятга йўл қўймаслик хусусида оқсоқоллар билан суҳбатлашди.

Б. Адҳамовнинг бу лавозимга тайинланганига кўп бўлгани йўқ. Аммо ишчанлиги ва ташаббускорлиги туфайли эл орасида танилмоқда.

Абдуҳаким АҲМЕДОВ.

КУЛДОН ЎҒИРЛАНДИ

Навоийлик С. Ирина уйга сўроқсиз кирган нотаниш йигит шошилмай чўнтагига қўл солди. Худди дастурмолини олаётгандек пичоқ чиқарди. Дамининг зўрлигини аёл кўз ўнгига синаб кўрса-тиб, унинг юрагига гўлгула туширди. Кейин бемалол ўзини йўқотиб қўйган хонадон соҳибасининг оёқ-қўлини боғлаб, уйдаги 350 сўм пул ва кулдонни ўғирлаб кетди.

Кулдон эса жуда нодир бўлиб, нархи атиги... 1500 сўм экан.

Ғ. ТЕМИРОВ.

Ёнғиндан сақлайлик

чеккаларига ёнғиндан сақлаш учун хавфсизлик чизиги тортиш—шудгор қилишни ёзма равишда огоҳлантиришимизга қарамасдан бепарво юрaverди. Шундан сўнг Б. Жўрақуловга 2 марта жарима солиб, ундириб олинди. Бундай мисолларни кўлаб келтиришимиз мумкин. Лекин нима учундир ўз ишларига совуққонлик билан қарайдиган шахсларга ҳужалик раҳбарияти ҳеч қандай чора кўрмайди.

Ем-хашак ва галлани ёнғиндан сақлаш тадбири ҳар бир ҳужалик раҳбари, мутахассислари, хашак жамғаринида иштирок этаётган, галла ўрим-йиғим мавсумида қатнашадиган ишчи-хизматчининг диққат эътиборида бўлмоғи лозим. Ана шу долзарб паллаларда ёнғинга қар-

ши кураш чора-тадбирларини ўз вақтида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, ризқ-рўзимиз бўлган галлани ўт кетишдан сақлаш фақат ёнғиннинг олдини олиш давлат назорати ходим.

ҲОСИЛ—91

ларининг вазифаси бўлибгина қолмай, балки кенг жамоатчиликнинг бурчидир. Шунинг учун ҳам ўрим бошлангунга қадар ҳар бир ҳужаликда ёнғинга қарши курашиш билан шуғулланувчи отрядлар ташкил қилиниши, улар барча анжомлар билан таъминланиши шарт. Лекин бу йилги мавсумда ёнғинга қарши кураш чора-тадбирлари кўп ҳужаликларда су-

олиб борилмоқда. Бу ишларга ҳужалик раҳбарлари, мутахассислари ҳозирдан эътиборини кучайтиришлари лозим. Эртага кеч бўлади.

Ўрим олдидан мавсум давомида ишлатиладиган барча техника воситаларининг сифатли ремонтдан чиқариш ҳам муҳим роль ўйнайди. Хусусан техника воситаларининг ёнғинга бақларини герметизация қилиш, автомашина, комбайн, тракторларнинг тутун чиқадиган трубаларига учқун қайтаргичлар ўрнатилиши керак. Ҳар бир комбайн ўрим чоғида ўт ўчиргич, челак, кийгиз, қум тўлдирилган яшик, сув тўлдирилган махсус бочкалар билан таъминланиши зарур. Ўримда иштирок этадиган барча кишилар ёнғинга қарши кураш чораларидан, ёнғин чиқмасли-

ги учун улар олдига қўйиладиган талаблардан хабардор қилиниши ҳам шарт. Комбайнчиларнинг дам олиш жойларини таъмирлаш ва пайвандлаш ишлари олиб бориладиган ерларни ҳамда кўчма ошхоналар атрофини чуқур, кенг қилиб ҳайдаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Халқимизда: «Ўзингга эҳтиёт бўл-у, қўшинингни ўғри тутма», — деган ҳикматли ибора бор. Биз ҳам шу мақолга риоя қилайлик. Барча керакли ишни қондаси билан амалга оширсак, эртага бир-биримизга айб қўйиб юрмаймиз. Халқ олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

Б. ИСИРГАНОВ,
Ғаллаорол тумани ИИБнинг ёнғиндан сақлаш давлат назорияти бўлимининг бошлиғи ички хизмат катта лейтенанти.

Ез кишлоқ меҳнаткашлари учун энг долзарб палла ҳисобланади. Хусусан айни пайтда туманимизнинг барча ҳужаликларига чорва кишлови учун хашак жамғариш ишлари қизғин давом этмоқда. Ғаллакорларимиз ҳам ўрим-йиғим мавсумини бошлаб юбордилар. Қисқаси улар учун масъулиятли дамлар бошланди. Лекин шунинг ҳам унутмаслигимиз керакки, салгина эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида қанча меҳнат, куч сарф қилиб жамғарилган озуқани, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нобуд қилиб қўйишимиз мумкин. Ана шундай совуққонлик натижасида жиддий зарар етказадиган офатлардан бири ёнғин чиқишидир.

Ўтган 1990 йилда Ғаллаорол давлат ҳужалигига қарашли бўлими агрономи Бердиёр Жўрақулов, бир неча марта галла пайкаллари

АХВОЛ ЯХШИ

Бизни «Постда» рўзномасининг доимий ўқувчилари десангиз адашмайсиз. Рўзноманинг ҳаётда қайта туғилиб, ўз ишини мустақилликка интилиш ва дадилликдан бошлагани бизни қувонтирди. Шояд у тобора ўз овози, ўз услубига эга бўлиб бормоқда. Лекин бунга ҳали тўла дадиллик ва мустақиллик деб бўлмайди. Чунончи, кўпгина мақолаларда танқидий руҳ жуда суст, уларнинг нимадандир ҳадиксираб, чўчиб-қўриб, кимларнидир аяб-авайлаб, эҳтиёткорлик билан ёзилганлиги билиниб туради. Биз рўзномани милиционерларимизнинг ўзидек жасоратли (ҳаммаси эмас, албатта), одил ва танти бўлишини истаймиз.

Рўзноманинг 34-сонига босилган (1991 йил 6 апрель) милиция майори А. Жуманиёзовнинг «Аҳволлар қалай, милиционер?» мақоласи бизни ҳам айрим мулоҳазалар билдиришга даъват этди. Аввало, бу ҳақда «Халқ сўзи»дан бурун чиқиш қилинганида дуруст бўларди. «Постда»нинг «нони» бўлак бир рўзнома илиб кетгани яхши бўлмапти. Майли, хайрли ишнинг кечи йўқ. Таҳририятда чаққон, етарли маҳорат ва куч-қувватга эга бўлган журналистлар ишлаганидан хабаримиз бор.

А. Жуманиёзов «жамиятга хос бўлган иллатлар милицияга ҳам даҳлдор, милиция ҳам дарё оққан томонга оқяпти, тўлқинга қарши сузишга ожизлик қилмоқда» деб бу соҳадаги аҳволни ҳаққоний баҳолаган. Бундай «ожизлик»нинг ўз ўқ илди-лари, биз кўриб-билиб турган асослари мавжуд. Очигини айтганда, шўро ҳокимиятининг ўтган 70 йилдан кўпроқ даври мобайнида милиция халқ ҳурматини қозонолмади. Ҳамиша ва ҳамма жойда милиционерлар тўғрисида гап кетса, одамлар «миршаб», «минт» каби сўзларни айтиб, унга нисбатан паст назар билан қарайдиган бўлишди. Аммо, бундай аҳволга тушиб қолишнинг илди-лари жамият билан боғлиқ эканлигини, милиционер деган шарафли ном ҳокимият томонидан етарли даражада қадрланмаганлиги ҳақида ўйлаб кўрилмади. Ахир, сир эмаску, яқин-яқинларгача ҳам (балки ҳозир ҳам) унга итоаттўй қул-

лар, сўзсиз бўйсунувчилар қабилда муносабатда бўлишмасмиди?

Аслида «миршаб» сўзи кўча сўзи эмас. Ривожланган мамлакатларда мишрабларнинг нечоғли катта обрўга, иззат-ҳурматга, таъсирчан, куч-қувватга эга эканлигини тасаввур этишнинг ўзи кифоя. Бироқ бизда мишраб дейилса, ҳатто милиционерларимизнинг ўзлари ҳам бу сўзни ҳақорат тарзида қабул қилишиб, жаҳллари чиқадиган бўлиб қолишди. Нега шундай?

Келинг, бунга кучимиз етганча жавоб берайлик. Халқимиз бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайдиган, дейди. Ўз вазифасига нолийик, «форма» шунчаки ҳавасга, йўқ, ҳавасга эмас, балки мансаб учун кийган кишилардан нима ҳам кутиб бўларди. Бундайлар назарида «форма», юлдузли «погон» бошқалардан бир поғона устун бўлиб туриш, яна тўғрироғи бошқаларга ўз ҳукмини ўтказиш, баъзи кам-еб нарсаларга навбатсиз эга бўлиш ва бошқа талай имтиёзлар учун ниқоб бўлиб хизмат қилади. Биз дангал гапни айтаямиз. Жуманиёзов ўз мақоласида силлиқлаб айтгандек, бировларга ёкиш-ёқмаслигидан қатъий назар, бунга очик тан олмоқ зарур.

Биз ўз постларида сидқидилдан ишлаб, чинакам ҳурмат-эҳтиромга, одамларнинг эътирофига сазовор бўлган ҳалол, мард, иродали, кўрқмас ва жасур милиция ходимларини биламиз. Акмал Икромов тумани ички ишлар бошқармасининг тартиб-интизом посбонлари милиция майори Тўлқин Шодибеков, Убайдулла Номозов, Самандар Қаландаров, Ҳамид Қурбонов, Абдуллажон Султонов, Николай Ли каби милиция ходимлари ана шундай кишилардир. Тўғри, бу одамлар фавқулодда қаҳрамонликлар кўрсатганлари йўқ. Бироқ улар нимаси биландир, қандайдир ўзгача бир инсоний фазилатлари билан дилмизга яқин. Шу туфайли бундай участка вакилларига ҳар доим яқинлашишга интиламиз, уларни «менинг милиция» деб фахрланиб тилга оламиз. Улар билан бафуржа ўтириб, худди ўз одами-миздек бемалол суҳбатлаша-

миз, маслаҳатлар ҳам берамиз. Бу каби халқнинг ажралмас бир бўлагига айланиб кетган милиция ходимлари ҳақида ҳар қанча мақтов сўзларини айтсанг ҳам камлик қилади. Лекин, гап ҳозир бу ҳақда эмас.

Олдига боришга, ҳузурларига киришга юрак безил-лайдиган, кўрганнинг уни айланиб ўтишга ҳаракат қиладиган милиция вакиллари ҳам борки, одамлар бундайлар тўғрисида ҳақли равишда сўзларига қўпол, тошба-гир, сўхтаси совуқ ибораларини қўшиб тилга олишади. Шундай «худо безори» милиция ходимлари ҳам борки, уларнинг ўзлари биринчи навбатда тартиб-интизомни бузишади, бедодлик ва ўривонликкача бориб етишади. Бундайларнинг турки туғул, қорасини ҳам кўрмасам дейсиз. Виждонини сотиб номаъқул ишлар қилиб юрган, инсоф ва ҳалолликдан беҳабарлар озмунчами? Шу йил 15 апрелда Беш

на чиқиди, иккалови лаб-ларида сигарета тутатиб, биттадан блокни ушлаганча икки томонга равона бўлишди. Бизни кўпиртиряпти деб ўйламанг. Ўзимиз жонли шохидмиз (иккала милиционер рус кишилари эди) бунга.

Аҳвол шундай бўлгач, яна даври дарвон чайқовчиникида. Наҳотки чайқовчини ва уни «камёб» моллар билан таъминлаб турганларни тийиб қўйишнинг иложи бўлмас. Ёки бунга ҳам президентнинг алоҳида фармони керакми?

Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Милиционерлар ҳар хил бўлганидек, улар содир этаётган интизомсизлик-тартибсизликлар ҳам ранг-барангдир. Масалан, хушёрхонадаги аҳволни қузатганмисиз? Бу жойга ҳолдан тойгунча ичадиганлар олиб келинади, кайфнинг оғир-енгиллигига қараб, уларга ё жарима солинади ёки...

ЭМАС, ЁМОН!

Ёғоч бозорига тушгандим. Ҳозир нима кўп чайқовчи кўп, нима кўп «дефицит» моллар кўп. Сигареталар ҳам тақчил, моллар қаторидан жой олганга ача бўлди-ёв. «Форма» кийганки бор, ана шундай учарлар, бебилсика пул кетидан қувганлар билан курашади. Ҳа, бу уларнинг бурчи. Лекин, курашишда ҳам курашиш бор-да. Баъзилар ўз манфаати йўлида, айримлар эса эл-юрт осойишталиги, халқ фаровонлиги, одамлар хавфсизлиги йўлида дегандай...

«Беш ёғочда» нима бўлди дег? Иккита барзангидай милиция ходими сигареталарни яширинча «ким ошди»га пуллаётган ўрта ёшлардаги аёлни кўлга туширдилар.

Аёл улар қаршисида титраб-қақшаб турар, резина таёқли тартиб посбонлари эса баттар дағдага қиларди. Баъзи кашандалар воқеани кўриб ажаб бўлди дейишса, баъзилар «форма»лиларга қараб ичдан гижиниб қўйишарди. Ниҳоят ҳалиги милиция ходимлари ички блок қимматбаҳо сигаретани олиб, «протокол» ҳам тўлғазмасдан, айбдорнинг исм-шарифини ҳам суринтирмасдан кўздан ғойиб бўлишди. Ғойиб бўлишмади. Улар бозор дарвозасидан силлиқчи-

Бундан анча йил бурун кашқадарёлик (Ульянов тумани) иккита ҳамюртим билан Навоий томошагоҳи майдонида учрашиб қолдим. Улар обрўли ташкилотларда ишлашарди. Тошкентлик танишлариникидан бириникида зиёфатдан чиқиб, бекатда йўловчи машина кутиб туришса, хушёрхона «калхати» гириллаб ўтиб, ҳе йўқ, бе йўқ уларни ҳам «чангалига» қистириб кетибди. Ҳамза хушёрхонасида уларнинг бошлаб таъзини беришибди. Бирдан фалон пул, иккинчидан писмадон пул олиб, «хайрият, белларинг бақувват экан, бўлмаса ишхоналарингга ёзган бўлардик» деб қўйворишибди. Ҳа, ўша маҳаллар, хушёрхоналар айримларнинг «план» баҳона, мўмай даромад манбаига айланиб қолгани сир эмас. Ҳўш, ўша безораларнинг гуноҳи нима эди? «Гуноҳи» қадрдон жўралари даврасида қитдай-қитдай отиб кўнгилхушлик қилганида. Асло маст бўлиш даражасида эмас. Ҳозир-чи, ҳозир салланнинг ўрнига каллани оладиган нопок, тошмехр, югурдан «погонлилар» йўқми?

Иккинчидан, баъзи милиция ходимлари ҳамда хушёрхона хизматчиларининг ўзлари шу қадар ичишадикки, баъзан уларни ашаддий пиё-

нисталардан фарқлаб бўлмай қолади. Фақат улар кўзга ташланмайдилар, холос. Айни вақтда улар жазоланишмайди. Эҳтимол, бундайлар учун алоҳида «хушёрхона» мавжуддир?

Баъзан ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Олибсотарлар, чайқовчилар, ҳар хил қонунбузарлар билан бирикиб кетаётган милиционерга кўзинг тушади. Улар «формали» кишиларнинг шундоққина кўз ўнгига кўнгилга келган ишни қилишмоқда... Ишонмасангиз «Фарҳод», «Чорсу» ва «Олой» бозорлари атрофига бир разм солинг. Худди ўз заводи ёки корхонасида ишлаб топгандай, сигарета дейсизми, бошқа камёб майда-чуйда дейсизми, уларни истаганча, кўнгиллари кўтарган нархда пуллашади. Автобусларда, бошқа жамоат жойларида кассавурлар бемалол чўнтакка тушяптилар, фуқароларни ҳақоратлаб кўнгилларига келган номаъқулчиликни қилишяпти. Яна милиция жим. Гўёки уларни жўрттага кўришмайди, кўриб-кўрмасликка олади, ёки номига танбёх бериб ўтиб кетишади. Ёки... Икки томон ҳам осонгина «тил» топишиб қўяқоладилар.

Ахир бу нима деган гап, биз шу умид билан шўро милициясини тузганмидик? Наҳотки, биз ҳалол, мард, изланувчан, ишбилармон, шижоатли милиционерларимиздан биратўла ажралиб қолган бўлсак?

А. Жуманиёзов ўз мақоласида «қўл-оёғи боғлиқ» милиция ходимлари» деган иборани тилга олибди. Ҳўш, бундай қисматга милицияни ким солди? Эътиборсизлик, лоқайдлик албатта. Аммо нафсан бирини айтганда, бундай қисматга милиция, авваламбор ўзини-ўзи дучор қилмадики? Кўп ҳолларда жамоатдан ажралиб қолиш, таъмагирлик, камтарлик, инсоф ва диёнатни йўқотиш охири-оқибатда милициянинг орусини туширди, халқ ўртасида ишончини йўқотди. Эндиликда - шу ишончлар аста-секин қайта тикланмоқда. Илоийм бу рост бўлсин. Биз ҳар доим уни «менинг милиция» деб фахрланиб тилга оладиган бўлайлик.

Эшонкул ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазирлигининг «Саховат» мажалласи бўлими муҳаррири.
Фазлитдин
АБДУРАСУЛОВ.

ХЎШ, НИМА

Журналистлар Эшонкул Ҳайдаров, Фазлитдин Абдурасуловлар қаламига мансуб мақкур мақола қўлимизга теккач жуда қувониб кетдик. Муболағасиз айтганда, қалб кўрингани бахш этаётган рўзнома худди фарзандингдек ардоқли бўлиб қоларкан. Бизнинг фарзандимиз эса энди юра бошлаган боладек атак-чечак қадам ташляпти. Шундай эсада, фақат мухлисларнинг эмас, ҳақиқий журналистлар назарига тушади-ю, қувонмай бўладими!

Лекин «...кўпгина мақола-ларда танқидий руҳ жуда суст, уларнинг нимадандир ҳадиксираб, чўчиб-қўриб, кимларнидир аяб-авайлаб, эҳтиёткорлик билан ёзилганлиги билиниб турибди» деган сатрларни ўқидиг-у, боёғи қувончимизга дарз кетгандай бўлди. Сабоби бизга мақола йўллаган муаллифимиз чиндан «доимий ўқувчиларимиз» бўлишганида, бундай бир ёқлама фикр-ни қозонга туширишга исти-ҳола қилган бўлишарди.

Келинг, бу даъвонинг қан-

чалик ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун рўзномамизнинг яқин ойларида чиққан сонларини қис-қача таҳлил қилиб кўрайлик.

23 апрель кун (№ 43-44) «Мен не дейману, қўбизим не дейди?» сарлавҳали мақолани эълон қилдик. Унда шикоят хатини ўта юзак-илик билан текшириб, таҳририятга жавоб йўллаган Фаргона вилояти ИИБ раҳбарларига «нордон» гапларимизни айтдик. 27 апрель кун эса (№ 46) «Четда қолган ўғирлик» сарлавҳали чиқишимизда ўғирлик ҳақидаги хабарни эмас, балки хабар берган кишини «текширган» Тошкент шаҳар ИИБ ВХСС бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар танқидимиздан «татиб» кўришди. «Темир сандиқ»ни очиб ўзимизга боғлиқ» номли мақолани 4 май кун (№ 49) босиб чиқардик ва давлат тили ҳақидаги қонун ижросига панжа орасидан қараётган Оқўрғон тумани ИИБ раҳбарияти бепарволигини қораладик. 30 май кун э-

БАҲС

лон қилинган (№ 64) «Ҳафсаланинг баҳоси қанча?» номли мақолада Фаргона вилояти ИИБ мутасаддиларининг фуқаролар шикоятини текшириш услублари номаъқул эканлигини иккинчи марта айтишга журъат қилдик. Булар фақат милиция фаолиятига оид танқидий чиқишларимиздан намуналар, холос. Умуман олганда ичиб олиб, тартиббузарлик содир

ҚИЛИШ КЕРАК?

Этган Тошкент шаҳар Ленин тумани Кенгаши халқ ноибини (13 апрель, № 38) ва шунга ўхшаш «обрў»ли кишиларни ҳам танқид қилган пайтларимиз бўлган. Лекин, нафсиламбирини айтганда, ўз баданидаги ярани кесиб ташлашга ёки обрўсидан от хуркадиган кишиларни «чимдиб» олишга ҳамма ахборот воситалари ҳам журъат этаётгани йўқ. Ана шу нуқтаи-назардан келиб чиққанда, юқорида айтилган чиқишларимизнинг қайси бирини «эҳтиёт-

корлик билан ёзилган» дейиш мумкин?

Муаллифларимиз н и н г «Аҳволлар қалай, милиционер?» мақоласи ҳақида мулоҳазаларини ҳам ҳазм қилмадик. «...бу ҳақда «Халқ сўзи»дан бурун чиқиш қилинганида дуруст бўларди. «Постда»нинг «нон»ини бўлак бир рўзнома илиб кетгани яхши бўлмапти» (?). Бу қочирим ёки киноянинг бизга асоссиз туюлгани сабаби шундаки, «Халқ сўзи» кимларнинг рўзномаси эканлиги номи-

дан ҳам маълум. Зотан, милиция ходимлари ҳам бошқа сайёрадан тушган гайриоддий одамлар эмас, айнан шу халқнинг бир бўлаги.

Иккинчи томондан олганда, муаллифларимиздан бири Эшонкул Ҳайдаров «Саховат» ойномасида бўлим мудир экан. Ҳўш, тонгги рўзномаларда, ойнаи жаҳон ёки овознигорда меҳр-саховат ҳақида озмунча материаллар берилаётгани. Бундан чиқди, ўша рўзномалару ойнаи жаҳон ҳамда овознигорлар «Саховат» ойнома-

сининг «нон»ини илиб кетаяпти эканда? Бу билан осмон узилиб, ерга тушмаяпти-ку?

Энди мана бу сатрларга эътибор қилинг: «Очигини айтганда, шўро ҳокимиятининг ўтган 70 йилдан кўпроқ даври мобайнида милиция халқ ҳурматини қозонолмади». Бу нима? Ҳақиқатдан ўзни мажбурлаб кўз юмимши? Ахир, шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларидан то Улуғ Ватан урушигача, ҳатто ундан кейин ҳам юртимизда рўй берган нотинчликлар, қирғинбаротлар ҳеч кимга сир эмас. Наҳотки, ўша даврларда жиноятчиликка қарши кураш-ни милиция иштирокисиз тасаввур қилиб бўлса? Улус ўртасида қаҳрамон сифатида ардоқланган, қалбларда ўчмас из қолдирган юзлаб, минглаб осойишталик посбонлари хизматларини «кўмиб юбориш»га уриниш — адолатдими? Ҳатто бурчни ўташ жараёнида шахид кетганлар хотирасини ҳақоратлаш инсофданми, айниқса, журналист деган муқаддас ном эгаларига бу ярашармикан?

(Давоми 3-бетда)

ХУШ,

(Давоми. Боши 2-бетда).

Муҳтарам муаллифларимизнинг «Ҳамиша ва ҳамма жойда милиционерлар тўғрисида гап кетса, одамлар «миршаб», «мент» каби сўзларни айтиб, унга нисбатан паст назар билан қарайдиган бўлиши» деган «нашриётлари» ҳам гараз-гўйликдан ўзга нарса эмас, деб ҳисоблаймиз.

— Милиция ходимларини улардан даки еган, ишқмас, текинтомоқ, фирибгар, безори, ароқхўр шахсларга на ёмон кўриши мумкин, — деган эди таниқли бастакор Анор ака Назаров ўзаро суҳбатимиз давомида.

Унинг сўзларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Халқимизнинг тўғри сўз туқанинга ёқмайди, деган нақли бежиз эмас. Аслида эса соф виждонли, ҳалол-покиза ҳамюртларимиз милицияга ишонапти, эргашяпти, керак бўлса, дилини ёриб, маслаҳат сўраяпти. Бунга кўриш, сезиш учун кишига ҳолислик, соф ақл, имон, одиллиги оқиллик керак. Бу ўринда биттагина мисол келтириш жоиз деб ўйлаймиз. Юртимизда охириги сайловларнинг қанчалик баҳс-мунозара, тортишувлар жараёнида ўтганини ҳамма билади. Халқ уйғонган, ўзининг қорига ярайдиган кишини хизматкор қилиб олишни ўйларди. Шу боис, битта ўринга бир неча номзод кўрсатилганди. Қарангки, ҳамкасбларимиздан 697 киши курашларда голиб чиқиб, турли даражадаги Кенгашларга ноиб этиб сайланишди. Уларнинг уч нафари ЎзССЖ халқ ноиб. 13 киши эса вилоят, 149 киши шаҳар, 83 киши туман, 449 киши посёлка ва қишлоқ Кенгашлари ноиблари сифатида ўзларига билдирилган ишонччи баҳоли қудрат оқлашмоқда.

Муаллифларимиз қуйроқда ўз фикрларига қарши чиқишади. «Аслида «миршаб» сўзи кўча сўзи эмас... Бизда миршаб дейилса, ҳатто милиционерларимизнинг ўзлари ҳам бу сўзни ҳақорат тарзида қабул қилиб, жаҳллари чиқадиган бўлиб қолишди». Ҳеч-да. Ҳатто биз ҳам улар фаолиятининг кўзгуси ҳисобланмиш «Постда» рўзномасида «миршаб» сўзини ҳеч иккиланмай ишлатаяпмиз-ку?!

Агар диққат билан қарасангиз, муаллифларимиз бора-бора «қоғозга ўралган» мақсадларини очироқ баён этишга ҳаракат қилишибди. «...Халқимиз бўйида иллати борнинг оёғи қалтирайдидеяйди. Ўз вазифасига нолий, «форма»ни шунчаки ҳавасга, йўқ, ҳавасга эмас, балки мансаб учун кийган кишилардан нима ҳам кутиб бўларди? Бундайлар назарида «форма», юлдузли «погон» бошқалардан бир поғона устун бўлиб туриш, яна ҳам тўғрироғи бошқаларга ўз ҳукмини ўтказиш, баъзи камёб нарсаларга навбатсиз эга бўлиш, бошқа талай имтиёзлар (?) учун ниқоб бўлиб хизмат қилади».

Е, тавба, демай илож йўқ. Бу баҳсми ёки?.. Улар бутун бошли милицияни лойга қориб, «ишламаяпти»га чиқариб қўйишди-ку. Бизнингча, уларнинг бу «таъриф-таъсиф»лари тинчлик посбонлари орасига тасодифан кириб қолган айрим шахсларга нисбатан айтилса, тўғрироқ бўларди. Бугунги кунда ЎзССЖда жиноятчилик даражаси иттифоқда энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили мамлакат бўйича ҳар 100

минг киши ҳисобига — 969 та, Эстонияда — 1511 та, РСФСЖда — 1246 та, Ўзбекистонда — 436 та жиноят содир этилди.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай кўрсаткичга осонликча эришиб бўлмайди. Маълумотларга мурожаат қилсак, ўтган йил мобайнида темир йўл ва автошўхбекаларда, шунга ўхшаш гавжум жамоат жойларида дайдиб юрган, яшаш ва ишлаш жойлари номаълум бўлган 10 минг 829 киши ИИБларга олиб келинди. Уларнинг 7 минг 622 нафари муқаддас судланганлар, 747 нафари иттифоқ бўйича қидириляётганлар. 700 га яқини жинояти учун муқаррар жазодан қочиб юрганлар экан.

НИМА

Аҳолидан 4 минг 129 та рўйхатга олинмаган ўқотар қуроллар қайтариб олинди. 2 минг 42 кишигина ўз қуролларини ихтиёрий равишда топширди, қолганлари эса таҳликали тadbирлар ёвзига тортиб олинди.

Давлат автомобил «назорияти» ходимлари эса маст ҳолда рулга ўтирган 59 минг ҳайдовчини тўхтатиб, чора кўришган. Ўқтимол, ана шундай кишилар, Анор ака Назаров айтмоқчи, милиционерларни «мент» деб аташар ва паст назар билан қарашар. Ахир, журналист деганлари бунинг фарқига бориши, ҳар нарсадан тўғри хулоса чиқариши керак эмасми? Аламазда шахсларнинг фикри бутун бошли халқ нуқтаи назарини белгилаб бермайди ҳеч қачон.

Муаллифларимизнинг навбатдаги даъволарига қаранг. «Наҳотки, чайқовчини ва уни «камёб» моллар билан таъминлаб турганларни тийиб қўйишнинг иложи бўлмас. Ёки бунга ҳам президентнинг алоҳида фармони керакми?»

Жуда унчалик эмас. Ижтимоий мулкни талон-тарож қилувчиларга қарши курашувчи ходимлар қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Чайқовчиликнинг ўсиб бораётганлиги ҳақида кейинроқ баҳслашамиз, ҳозир эса эътибор-аҳамияти жиҳатидан ундан қолишмайдиган мавзуда мулоҳаза юритсак. Ҳеч кимга сир эмас, айни пайтда халқимиз жуда қийин иқтисодий тангликни бошдан кечирмоқда. Ана шундай бир шароитда ҳамюртлари ризқини мўмай пулга алмаштиришга қасд қилган нопок, бадният шахслар фаолияти авжга чиқмоқда. БХСС ходимлари асосий эътиборини шунга қаратмоқдалар. Йил бошидан бери инсофни оёқости қилиб, чет ўлкаларга йўл олган 1522 нафар транспорт ҳайдовчилари тўхта-тилди. Шу тўғрисида 6 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, 20 миллион сўмликдан ортқ саноят моллари, 938 минг сўмлик қурилиш материаллари жумхуриятимизда олиб қолинди.

Бу ишларни амалга ошириш қанчалик машаққат эканлигини ҳурматли муаллифларимиз билишармикан? Билишмаса, умумий тарзда айтиб қўя қолайлик: бу зог ҳам қўнмайдиган жойларга постлар қўйиб, оилаб, ҳатто йиллаб қилинган қузатувларнинг, уйқусиз, ҳаловатсиз ўтган тунларнинг натижаси.

«Биз шу умид билан (?) шўро милициясини тузганмидик? Наҳотки, биз ҳалол, мард, изланувчан, ишбилармон, шижоатли милиционерларимиздан бира тўла ажралиб қолган бўлсак?!» дея оқ чекнишади Э. Ҳайдаров, Ф. Абдурашуловлар.

Аммо минг афсус, улар мард ва жасур, ҳалол ва довиорак, инсофли ва тadbиркор ходимларни тан олгилари келмайди. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, улар тан олишмасда, орамизда шундай ходимлар бор ва ҳатто кўпчилик. Мана, битта мисол: «Қизил жар» ишчилар ширкатида қарашли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш санаяти идорасининг молиявий аҳволини ўрганиш жараёнида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган манзарага дуч келинди. Омборхонада ҳеч қанақа ҳужжати бўлмаган 100 тонна гуруч ва 30 тонна асал топилди. Дўпписи тор келган корхона раҳбари Урганч тумани ИИБ БХСС ходимларига «ёпиғлик қозонни очмаслик» шарт билан 40 минг сўм таклиф қилди. Улар мўмай пулдан ҳалолликни афзал кўришди ва бу ҳақда вилоятдаги раҳбарларига ахборот беришди. Шундай қилиб, пулдор директор ўтган январь ойининг 30-кунда тузоққа тушди.

Мана бу рақамлар ҳам милиция ходимларини асосиз бўҳтонлардан ҳимоя қилишда асқотади, деб ўйлаймиз. Ўтган йил давомида 5 минг 235 нафар қочиб юрган ашаддий жиноятчилар қўлга олинди. Улардан 317 нафари талончи ва боқинчилар, 53 нафари қотиллар, 68 нафари покиза қиз-

ҚИЛИШ

жувонларнинг номусига теккан нопоклар, 997 нафари ўғрилар ва ҳоказолар экан. 3 минг 345 нафар бедарак йўқолганлар қидириб топилиди. Бу осонми? Битта одамни қидириб топиш учун қанча-қанча шаҳар-қишлоқларни, керак бўлса, қабристонларни кезишга тўғри келади. Энди ўйлаб кўринг, жигарбанди топишган одам милиционерни «мент» деб атайдими? Асло!

Агар шу йилнинг ўтган беш ойини сарҳисоб қиладиган бўлсак, қотиллик 5,5 фоиз, оғир тан жароҳати етказиш 2,3 фоиз, жиноий жавобгарликка тортиш билан жазоланадиган безорилик 10,9 фоиз камайди. Бу неча юзлаб одам пичоқ ёки ўқ зарбидан жувонмарг бўлмади, кўплаб қиз ёки аёллар шахвоний ҳирс билан титраётган ифлос чангалидан озод қилинди, деган гап.

Андижонда бўлган бир воқеани ҳикоя қилиб берайлик. Қуролланган жиноятчилар Ленинск алоқа тармоғи кассирини ва инкассаторига ҳужум қилиб, давлат банкидан эндигина олинган 120 минг сўм пулни қўлга киритдилар. Улардан бири қаердандир (эҳтимол, суиқасд қилди) милиция формасини кийиб олган экан.

Хўш, «милицияга паст назар билан қарайдиган»лар шу ерда нима қилган бўлишарди? Ишончимиз комилки, бу менинг касбим эмас, қолаверса, бола-чақам бор, деб жавоб қилишарди. Аммо 50 дақиқа ичида жиноятчиларни бешикаст қўлга олган «мент»ларнинг узокроқ яшаш истаги, бола-чақаси йўқми? Бор, истак ҳам, бола-чақаси ҳам, айни пайтда бурча садоқат деган ҳиссиётлари, нонимни ҳалоллаб ейишим керак, деган тиниқ фикрлари ҳам бор. Шу боис давлатнинг оз эмас — 120 минг сўм пули жойига қайтарилди.

Афсус, жанг қурбонсиз бўлмайди, деганлар. 1990 йил давомида 43 нафар ажойиб сафдошларимизни тулроққа қўйганмиз. 142 нафар

ўртоқларимиз эса тенгсиз олишувларда тан жароҳати олишди. Буларни кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олиш, битмаган ярани тирнаш — одобдан эмас.

Хушёрхона тўғрисидаги мулоҳазалар эса беихтиёр бошқача ҳаёлларни уйғотади. «...Хушёрхона хизматчиларининг ўзлари шу қадар ичишадик, баъзан уларни ашаддий пиёнистлардан фарқлаб бўлмай қолади». Бу ўринда хушёрхонадаги-ларнинг маст эканлигини аниқлаш учун уларни қадам-бақадам қузатишга вақт топан муаллифларга «балли».

Шу нарсани ҳам эсдан чиқармаслик керакки, баҳс — яхши, қачонки у маданият доирасидан чиқмаса. Шундагина у камчиликларни йўқотишга ёрдам беради. Айниқса, бу ҳар бир сўзни тарозиға солиб ишлашга бурчли бўлган журналистлар учун характерлидир. Бизнинг муаллифларимиз эса хушёрхона машинасини калхатга, ходимларини эса унинг чангалига ўхшатишибди. Биз аввало уш сўраган ҳолда, баҳс маданиятини ҳуқуқ-тартибот мавзусида улардан ўтказиброқ ёза оладиган журналистлардан ўрганишни маслаҳат берардик.

Э. Ҳайдаров, Ф. Абдурашуловларнинг энг охириги эътирозлари чайқовчиликнинг ривожланиб бораётганлиги ҳусусида. Бу борада улар «Постда» рўзномасининг 16 апрель кунги сонига назар ташласалар маъқулроқ бўларди. «Қонуннинг бўшлиғи — чайқовчининг ютуғи» сарлавҳали мақолада ҳаммаси рўй-рост ёзилган.

Тасаввур қилинг, қоидабузар қўлга тушди. У давлат корхоналаридан бирида ишлаб чиқарилган ашёвий далилларни фалон дўкондан ёки омбордан, фалончидан олдим, десагина жавобгарликка тортиш мумкин бўла-

КЕРАК?

ди. Афсуски, бундай лақма чайқовчини кундуз кунги чироқ ёқиб тополмайсиз. Аксарият ҳолларда чайқовдан фалон сўмга сотиб олгандим, зарурат юзасидан қайта сотиб юборишга тўғри келди, қабилида жавоб қилишади. Хўш, мавжуд қонун бўйича унга ҳеч қанақа чора кўриш имконияти бўлмасе, милиция ходими нима қилсин? Ахир, у қонун чиқарувчи эмас, ижро этувчи холос-ку.

Ҳамма милиционерларнинг чайқовчи билан енг ичида тил топишаётганлиги ҳақидаги гаплар эса қип-қизил бўҳтондан ўзга нарса эмас. Сабаби — журналист сўзининг қадрини белгилайдиган фант йўқ, далил йўқ. Наҳотки, милициянинг юқоридаги баҳсга сабаб бўлган шунча «кирдикорларини» билган ва «очиқ ташлаган» журналистлар сигарета қўлтиқлаб кетган икки милиционернинг нимлигини аниқлашга ожиз бўлса?!

Биз муаллифлар билан баҳслашиб, милиция ҳар қандай камчиликлардан ҳоли, деган фикр устунлиги учун курашаётганимиз йўқ. Барча соҳалар қаби ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятида ҳам муаммолар жуда ўткирлиги кўриниб қолди. Айтмоқчи бўлганимиз: камчиликларни айтмасе ҳам биламиз, лекин нима қилса, уларни бартараф этиш мумкин. Ҳамма гап ана шунда. Қўплашиб шу ҳақда бош қотирганимизда фойдалироқ бўларди.

Раҳмон АЛИ,
«Постда» мухбири.

Ё МОЛ, Ё ЖОН

Кўпқаватли уйларда баъзан хонадоннинг очилган эшиги одоб билан қўнғироқ туғмасини босган кишилар томонидан зич ёпилмоқда. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки «ё жон, ё мол» тарзидаги совуқ ва қўтилмаган шартдан сўнг уй эгаларидан мажол қо-чади. Ҳозир дўсту душмандан кўра лоқайдлар сони кўпайгани учун балога учраганлар ҳаёлига қўни-қўшниларни ёрдамга чорлаш фикри ҳам урилмайди.

7 июнь кунги кўппа-кундузи Тошкент шаҳридаги даҳалардан бирида яшовчи Фаина А. шундай босқинчиларга дуч келганда, оғиз очишга журъати етмади. Эҳтиётсизлик қилиб сўраб-суриштирмасдан эшикни оч-гач, ниқобли уч йигит чангалига тушди.

Ўзларининг қуроллангандану тоғни урса, талқон этадиган куч-қувватидан мағрурланган, кўрқувдан дағ-дағ титраётган аёл ҳимоясизлигига ишонган «мард»лар қурбонларига дами ўткир пичоқ ўқталишди. Сўнг унинг йиллар давомида йиққан бор-бисотини йиғиштиришга киришдилар.

Улар кетганидан сўнг аёл уйни кўздан кечирса, 4,5 минг доллар, 500 сўм пул, хорижий видеомагнитофон, 30 дона видеокассета, магнитофон, фотоаппарат, телевизорни масофадан бошқариш мосламаси ва 5 хил кийим-кечак йўқ.

Ғ. ЖУРАЕВ.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

ШУКУРАЛИНИ КЎРГАН БОРМИ?



Жумхурият ички ишлар идоралари томонидан 1951 йилда туғилган Шукуралӣ Абулқосимов қидирилмоқда. Фарғона вилояти Қува тумани Байналмилал қишлоқ Совети Чилон кўчаси 2-уйда яшовчи Шукуралӣ Абулқосимов 1991 йил 6 май кунги уйидан «Москвич-412» белгили К 25-08 ФЕ рақамли автомашинада чиқиб кетиб, дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: ўрта бўйли, 172 см., юзлари чўзиқ, қоши қора, кўзи жигарранг.

Уст-боши: йўқолган кунги эғнида оқ рангли кўйлак, кўк рангли катак-катак костюм-шим бор эди, оёғида эса оқ рангли пайпоқ ва оқ қора рангли ёзлик пойафзал бўлган.

Алоҳида белгиси: қорнида кўричак операциясидан сўнг қолган чандиқ бор.

Рўзномасеварлардан Шукуралӣ Абулқосимов ҳақида бирон-бир маълумотга эга бўлсалар, бу ҳақда «02» рақамли телефон орқали энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

И. Ғиёсов, Т. Алиев, А. Қодировлар асли фарғоналик. Турли ишлар, юмушлар, хизмат юзасидан тез-тез Тошкентга қадам ранжида қилиб турадилар. Шаҳарнинг Юнусобод даҳасидаги уйлардан бирини ижарага ҳам олишган. Қачон бу ерга келишса, эшиги доимо ланг очил. Худди шу ижарахонада улар яна бир улфат орттиришди. У 1964 йилда туғилган Фазлитдин Абзалов бўлиб, кўриниши бинойидек, гал-сўзлари туппа-тузукгина. Кўнгида кири йўқ фарғоналиклар бегона шаҳарда танишлари яна биттага кўпайганидан бениҳоя хурсанд бўлидилар. Танишганлари учун қадаҳлар кўтаришди. Аммо биллур қадаҳлар устига қурилган дўстлик пойдевори мўрт экан.

Улар ҳар гал Тошкентга келганларида, албатта, Фазлитдин билан учрашишар, маишатга пул сарфлашдан сира оғринмас эдилар. Пулни бетиға қарамасликлари эса Фазлитдин ичига қандайдир соя ташлади. Олтинни кўрса, фаришта ҳам тескари омин қилади, деганлари рост шекилли, у ҳам фарғоналикларни қандай қилиб чув тушириш ҳақида ўйлай бошлади. Ўйлаб-ўйлаб бир ўзи бу ишни эплагга кўзи етмади ва дўстлари Ботир Умаров, Баҳодир Искандаров, илгари судланган Баҳодир Қозихоновга маслаҳат солди.

— Келишган ҳамоно бизга хабар берсан.

— Хўп.

Фазлитдин уларни сабр-сизлик билан кута бошлади. Дўст хиёнатидан беҳабар фарғоналиклар хонада гурунглашиб, ичак узди аскиялар айтиб чақчақлашиб ўтиришибди.

Уй соҳибасининг қизи деразадан пастга қараркан: «Вой, машиналар қўйган жойида йўқ-ку», дейиши

билан меҳмонлар тапқарига отилдилар. Яқин-атрофни қидирдилар. Вақтни бой бермай милицияга хабар беришни маъқул кўришди.

Уй соҳибаси: «Эҳтимол, Фазлитдин ёрдам берар», — дея унинг уйига кўнгироқ қилди. Аммо у уйда йўқ экан. Эртаси кунги кўнгироққа Фазлитдиннинг ўзи жавоб берди. Воқеани эшитгач:

ГАРОВГА ОЛИНГАН ЧҒРИ

«Ҳозир етиб бораман», — деди-ю, лекин тушдан кейин кириб келди.

— Бўпти, мен машинани топишда ёрдам бераман, бу ишга мелиса-пелисани аралаштирманлар.

У шундай деганича қаёққадири чиқиб кетди. Орадан бир соатча вақт ўтди.

— Бахтларинг бор экан, Юнусободда юриб қўйган, обрўли йигитларнинг бири билан гаплашдим. У ёрдам беришини айтди. Аммо суюнчиси нақд бўлиши керак.

— Бўпти, биз розимиз.

— Унда мен уни сизлар билан таништириб қўйай, дўстлигимиз ҳурмати учун холис хизмат қилсам қилиб-мизда-а, — деди Фазлитдин сохта куюнчақлик билан.

У Баҳодир Қозихоновни бошлаб келди.

— Танишинглар, исми Рустам.

У ҳам гапни тўзмай дангалига кўчди.

— Биз машиналарингни

топдик, бироқ суюнчиси жуда катта — 10.000 сўм.

Меҳмонлар бир оз каловланиб қолишди. Уларнинг бу ҳолатини ўзича тушунган «Рустам» гапни давом эттирди.

— Тошкентликлар ёлгон гапиришмайди, — деди у машинанинг техник паспорти ва ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб бераркан.

лиги устун чиқиб, тезда қайтариш шарт билан 6.000 сўм қарз бериб туришга розилик билдирди.

Б. Қозихонов айтилган пайтга пулни олгани шериклари билан келди. И. Ғиёсов машинани бус-бутун қайтариш шартини ўртага қўйди.

— Машина қандай бўлса.

Меҳмонларнинг юзига қизиллик югурди.

— Машина ичидаги 4.800 сўм пул, магнитофон ва курткаларни ҳам қайтарасизларми? — сўради И. Ғиёсов.

— Йўқ, улар қайтарилмайди, фақат машинанинг ўзи 10.000 сўм эвазига.

— Ахир, бу машина нархидан ҳам бандику.

Фазлитдин орага тушиб «йигит»ни 8.000 сўмга кўндирди.

Меҳмонлар чўнтакларини кавлаб, ҳаммаси бўлиб 2.000 сўм йиғдилар.

— Қолганини ҳам бутун топиб берасизлар. Акс ҳолда машинани қайтиб кўрмайсизлар.

«Рустам» кетгач, Фазлитдин уларга юзланди:

— Нега пулларинг бунча оз.

— Пулимиз машинада эди.

Фазлитдин алданганини сезиб, ичига шерикларини бўралаб сўқди. Аммо очқўз-

шундайлигича эртага Фазлитдин олиб келади, — деди Б. Қозихонов.

Ғиёсов ишонқирамай қозғога ўроғлик пулни узатди. Қозихонов пулни олди-ю, жўнаб кетди.

Бир оз вақт ўтиб, ўз улушини олиш мақсадида Фазлитдин шериклари ортидан йўрғалади. Тўда бошлиғи унга келишилгандан камроқ бериб: «Қолганини машинани қайтарганингдан кейин олсан», — деди.

Машинанинг гилдираклари ва эҳтиёт қисмлари алмаштирилаётганини кўрган Фазлитдин ташвишга тушди.

— Ахир, биз машинанинг эҳтиёт қисмларига тегмасликка келишган эдик-ку. Улар бунақада менинг 6.000 сўм пулмни қайтариб беришмайди, 6.000 сўмни мен уларга қарзга берувдим.

— Бу ёғини ўзинг келишсан, — деди зарда билан Қозихонов.

Фазлитдин чув тушганини англаб, фарғоналиклар олди-га келди.

— Аввал қарзларингни беринглар, машинани кейин оласизлар.

Чорасиз қолган меҳмонлар танси ёллаб, Марғилондан пулни олиб келишди.

— Пулни берамиз, лекин аввал бизга машинани кўрсат, — деб туриб олишди.

Қарасалар, эҳтиёт қисмлари алмаштирилган, магнитофон ечиб олинган.

Меҳмонлар шундагина қаршисида турган кимсанинг холис хизматчи эмас, балки ҳақиқий ўғри эканлигини билиб қолишди.

— Аввал отангинг олди-га олиб борамиз, кейин милицияга, — деб ушладилар.

Шунда ҳам у келишни учун ҳаракат қилиб кўрди. Сўнгра:

— Гапни кўпайтиришдан ҳеч биримизга фойда йўқ, — дея хиёнатини бўйнига олди.

— Бизга шерикларинг уйини кўрсатасан, йўқса, милицияга хабар берамиз, — деб шарт қўйди фарғоналиклар.

Фазлитдин уларни Искандаровнинг уйига бошлаб борди. Қозихонов эса уйда йўқ эди.

— Мен ҳамма нарсаларингни қайтариб олиб бераман. Агар менга ишонмасанглар, Искандаровни ўзларинг билан олиб кетинглар, — дея Фазлитдин ялиниб-ёлвора бошлади.

Улар бу шартга кўндилар ва Искандаровни гаров тариқасида Марғилонга олиб кетдилар. Аммо Марғилонга бориб шеригини «озод» қилиш Фазлитдинга насиб этмади. У милиция томонидан қўлга олинди.

Шавқиддин САМИЕВ.



Бетховеннинг «Ойдин» сонатаси садолари остида виқор билан кириб келган болакайларни ўтирганлар қарсақ чалиб кутиб олишди. Қўғирчоқдек ясанган 12 нафар кичкинтой мактаб ёшига етиб қадрдон боғчасини тарк этишяпти. Уларнинг ҳаётларидаги қувончли бу дамни эсда қоларли даражада ўтказиш учун катта тайёргарлик кўришди. Чунки ИИБ қарамогидagi болалар боғчасининг ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ва бу болалар мазкур даргоҳдан учирлаётган илк қалдирғочлардир.

Ота-оналари ва мураббиялари номига илиқ, миннатдорчилик сўзларини ширин тил билан изҳор этаётган бу болаларнинг ҳар бир чиқишлари ўтирганларнинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Қувноқ куй-қўшиқлари, рақсларига эса беихтиёр катталар ҳам қўшилишди. Кечагина онаси ортидан йиғлаб қолаётган жажжилар бугун айтган шеърлар, ашулалар ота-оналари, бувиларини хушнуд этиб, уларнинг улғайиб қолганини билдирди.

Ўйин-кулгуларини боғчада қолаётган ука-сингиллари давом эттирдилар.

Бизни ҳали кичиксан дея, Ўйинчоқлар бермас

эдингиз.
Бор, бурниқини артиб
олгин деб,
Даврангизга қўшмас
эдингиз.

Ана-опаларига мактабда яхши ўқишларини тилаб қолган кичкинтойлар ҳадемай ўзлари ҳам боришларини,

агарда ёмон ўзлаштираётган бўлсалар, уялтиришларини айтишди.

Шодлик, куй-қўшиқча, бегуборликча тўла бу тадбир сўнггида мураббиялар ҳар бир ўқинишга тараддулланган болакайларга совға-саломлар-ўқув қуроллари топши-

ришди.

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

СУРАТЛАРДА: болалар боғчасидаги шодона тадбирдан лавҳалар.

Суратлар муаллифи
Ольга ЖУРАВЛЕВА.

БАДНОМ БЎЛДИ

Ҳамид Олимжон кўчасининг 26-уйида истиқомат қилувчи, 1955 йилда туғилган Машариф Раҳмонов ҳам танбаллиги оқибатида ўзини-ўзи бадном қилди.

Кишилар айнаи куч-ғайратга тўлган бу ёшда тиним билмай меҳнат қиладилар. Фарзанд тарбияси билан шуғулланидилар. Бироқ Машариф бу тоифадагилардан эмасди. Фойдали ишдан бўйин товлади. Кунини мазмунсиз ва фэйсиз ўтказаверди. Бу ҳам етмагандек сўнгги пайтларда наркотик моддалар билан шуғулланишни одат қилиб олди. Туман ички ишлар бўлими ходимларига бу ҳақда маълумот етгач, унинг уйини текширувдан ўтказдилар. М. Раҳмонов 1300 грамм нашани яшириб қўйган экан. Ноқонуний ҳақи-ҳаракатга оид жиноий иш яқинда халқ суди томонидан кўрилди. Машариф уч йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Шу туманда яшовчи 2-гурух ногирони Бектурди Қобулов ҳам наркотик модда билан шуғулланиши аниқланди. Тинтув пайтида унинг уйидан ҳам 600 грамм шундай заҳар-заққум топилди. Халқ суди ҳукми билан Бектурди ҳам икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

Саъдулла БОБОЕВ,
Хоразм вилояти.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
ЎзССР